



УЛУҒ АЙЁМ АРАФАСИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛГАН ЙИРИК БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ ТУҲФА

Мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги арафасида муҳим лойиҳалар, таълим ва тиббиёт масканлари, инфратузилма иншоотлари фойдаланишга топширилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев 29 август куни пойтахтимиздаги шундай бунёдкорлик ишлари билан танишди.



Давлатимиз раҳбари 2021 йилда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг эски биносини бориб кўрган, соҳада

шароитларни яхшилаш бўйича топширилган берган эди. Кўп ўтмай, “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш

тўғрисида” Президент қарори қабул қилинди.

Соҳада даволаш самарадорлигини ошириш учун кўп ишлар қилинмоқда. Хусусан,

Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази алоҳида муассаса сифатида ажратилди. Онкологик шифохоналар учун қўшимча 22 та нур терапияси ускунаси олиб келинди. Кимё терапияси воситаларига ажратилаётган маблағ 11 баробар оширилиб, 13 миллион долларга етди. 250 га яқин янги текшириш ва даволаш усуллари вилоят ва туман даражасига туширилди.

Президент қарориди Республика онкология маркази учун янги мажмуа қурилиши ҳам белгиланган эди. Унинг лойиҳаси Жанубий Кореянинг шу соҳадаги клиникалари тажрибаси асосида ишлаб чиқилди. Уч йил давомида пухта иш олиб борилиб, Тошкент тиббиёт академияси ёнидаги 5 гектардан зиёд майдонда замонавий шифохона барпо этилди.

Янги мажмуа 9 та иншоотдан иборат бўлиб, асосий бинолар 8 қаватли. Уларда шифокор ва беморлар учун керакли шароитлар инobatга олинган. Биринчи қаватда поликлиника ва ташхис ускуналари, иккинчи қаватда лаборатория, стационар, реанимация ва жарроҳлик хоналари, юқори қаватларда палаталар жойлашган. Ер ости қисмида радиотерапия, ядро тиббиёти бўлими, хўжалик хоналари бор.

Авалги шифохона 370 ўринли эди. Янги марказда 650 та стационар ва 80 та кундузги ўринлар ташкил этилди. Шунингдек, бир кунда 500 нафар бемор амбулатор шароитда даволаши мумкин.

Давлатимиз раҳбари марказдаги қулайлик ва имкониятлар билан танишди.

— Биз таълим ва тиббиётга алоҳида эътибор беряпмиз. Чунки одамлар билимли бўлиб, соғлом бўлса, ўз йўлини топади. Бу

марказ ҳам шундай ишлардан бири. Бу лойиҳага 1,2 триллион сўм ажратиб, “нолдан” курдик. Барча онкология шифохоналарини жиҳозлашга 80 миллион доллар йўналтирилди. Эндиги асосий вазифа — ходимларни ўқитиб олиш, самарали бошқарувни йўлга қўйиш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Марказда Европа ва АҚШ стандартлари асосида ташкил этилган 17 та янги клиник бўлим, 18 та жарроҳлик хонаси, 42 та реанимация ва интенсив терапия хоналари ташкил этилган. Улар жаҳон тиббиётида қўлланилаётган энг сўнгги техникалар билан жиҳозланди.

Масалан, Siemens компаниясининг MAGNETOM Altea русумли магнитли томографи сўнгий интеллектдан фойдаланиб, иш жараёнини автоматлаштиради. Fuji компаниясининг Senaгa компьютер томографи кам дозали нурланиш ва юқори сифатли тасвир билан беҳато ташхис қўяди. Шунингдек, 128 ва 256 ўлчамли мултиспирал томографлар жуда юпқа кесимларда энг кичик ўсма-ларни ҳам аниқлаш имконини беради. Булар аввал қўлланилганидан 8-16 баробар кучли.

Бундай замонавий техникаларни ишлатиш учун юзга яқин мутахассис 8 та хорижий давлатда малака ошириб қайтди. Юртимиз бўйлаб 1 минг 200 нафар онколог чет элда ўқитилади.

Жарроҳлик бўлимида йилга 6 мингта юқори технологик амалиётлар ўтказиш имконияти бор. Жумладан, жуда долзарб бўлган суяк кўмиги трансплантацияси йўлга қўйилади. Янги ускуналар ёрдамида кўз, ҳалқум ва қизилўнғач қисми ўсма-ларини кесмасдан олиб ташлаш мумкин. Қовуқ ўсма-лари кам инвазив усулда бартараф этилади. Буларнинг самарасида беморлар

тезроқ тuzалиб, 3-5 кунда уйига қайтиши мумкин.

Интенсив терапия бўлимида ҳар бир ётоқ ўрни юрак мониторинг, ўпкани сўнгий шомоллатиш мосламалари ва бошқа замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Нур билан даволаш учун илк бор ядровий тиббиёт бўлими ишга туширилмоқда. У 9 та бункердан иборат бўлиб, бирида тўхталишлар юз берган тақдирда ҳам бошқаларига ўтказилиши натижасида муолажа узлуksизлиги таъминланади. Чизиқли тезлаткичларда нур билан даволашнинг VMAT, SMAT каби янги усуллари татбиқ қилинади.

Амбулатор кимё терапия 72 нафар беморга мўлжалланган. Янги инфузомат ускуналари олиб келингани натижасида бу даво оsonлашади ва тезлашади.

Президент марказда иш жараёнини рақамлаштириш, беморларга қулайликларни ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

— Энг асосий топшириқ — рақамлаштириш. Одамлар сарсон бўлмасин, навбатда туриб қўйналмасин. Бу марказ фақат Тошкент учун эмас, уни ҳудудлардаги 15 та шифохона билан шундай боғлаш керакки, беморлар ўзининг келиш вақтини, докторини олдиндан билсин. Бунинг учун сўнгий интеллектни кенгайтириб, инсон омилини камайтириш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Марказ ўзининг ҳудудлардаги филиаллари билан ягона электрон платформага уланади ва республикада “канцер-регистр” тизими ишга туширилади. Бунинг натижасида назоратда турган барча онкологик беморлар ҳақидаги маълумотлар яхлит кўриниб туради.

➤ Давоми 2-бетда

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ МАРҲУМ АКАДЕМИК ОИЛАСИГА ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, физика-математика фанлари доктори, академик, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Бехзод Йўлдошев 28 август куни вафот этган эди.

Президент Шавкат Мирзиёев бутун таъзияли хонадонга ташир буюрди. Қуръон тиловат қилиниб, дуо ўқилди.

Давлатимиз раҳбари марҳумнинг эзгу ишларини, Ватанимизга хизматларини ёдга олди.

Бехзод Йўлдошев 1945 йил 9 майда Тошкент шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1968 йилда Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти стажёр-тадқиқотчиси сифатида бошлаган. Юқори энергиялар физикаси соҳасида халқаро миқёсда кенг эътироф этилган олим Ядро физикаси институти директори, Фанлар академияси президенти лавозимларида ўзининг юксак илмий

ва ташкилотчилик салоҳиятини намоён этган. Юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш, хорижий илмий марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, илмий натижаларни иқтисодиёт тармоқларида қўллаш ишларига муносиб ҳисса қўшган. У Атом энергияси бўйича халқаро агентликда ва университетларда ишлаган, кўплаб йирик лойиҳаларга раҳбарлик қилган. Б.Йўлдошев Олий Мажлис депутати, кейинги вақтда Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатида самарали фаолият олиб бориб, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фидойилик кўрсатди.

Академик Б.Йўлдошевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш

борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” фахрий унвони, “Фидокорона хизматлари учун” ва “Меҳнат шўхрати” орденлари, Беруний номидаги давлат мукофоти, “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони билан мукофотланган эди.

Давлатимиз раҳбари марҳумнинг рафиқаси ва фарзандларига ҳамдардлик билдириб, сабр-тоқат тилади. Улар таширфи ва далда сўзлари учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

ПАРАЛИМППИЯ: БИРИНЧИ КУН — ИККИ МЕДАЛЬ



PARIS 2024
PARALYMPIC GAMES

Франция пойтахти Парижда бўлиб ўтаётган Паралимпия ўйинларини Ўзбекистон терма жамоаси атлетлари зафарли юришлар билан бошлади.

Мусобақаларнинг илк кунинда Муслима Одилова сузиш бўйича бронза медалга эғалик қилди.

Аёллар ўртасидаги таэквондо баҳсларида эса Зиёдаҳон Исоқова кумуш медални қўлга киритди.

БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!

Қонлар, жонлар ва кўз ёшлар эвазига ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН БУЮК НЕЪМАТ



Бу ёруғ дунёда инсон учун зарур қадриятлар, муқаддас тушунча ва очилмаган тилсими-лар сони мингта. Кимлардир кўз билан кўрадиган, қўл билан ушласа бўладиган, ҳис қила оладиган нарсаларга сажда қилса, уларни тавоф айласа, кимлардир ўзлари тасаввур эта олмайдиган, инсон руҳиятига таъсир кўрсатадиган гоёлар, мафкура ва назарияларга эҳтиромда бўлади.

Бироқ шундай улуг қадрият борки, уни дунёдаги барча онгли мавжудот, ўзида кучли масъулият ҳиссини сезган одамлар бир хил тарзда тан олади, тасаввур этади. Бу — Ватан, унинг мустақиллиги ҳақидаги тушунчадир.

Ватан ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган ағона хилқат. Ватан ҳақида ўйла-майдиган, унинг муқаддаслиги ҳақида фикр юритмайдиган, ўзини, авлод-аждолари тақдирини у билан боғламайдиган бирор инсон топилмаса керак. Шунингдек, биз “Ватан” сўзи олдида “Она” сўзини ҳам қўшиб

айта-миз. Чунки ҳар икки тушунчанинг бошқа ўхшаши йўқ. Ватан ягона бўлгани каби она ҳам ягона.

Ушбу сатрларни баён этар эканман, беихтиёр Президентимиз жорий йил 18 июль кунини имзолаган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорда зикр этилган фикрларни мушоҳада қиламан. Қарорда мустақиллик туғайли мамлакатимиз суверен, ҳуқуқий, демократик, ижтимоий ва дунёвий давлатга, халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектига айлангани алоҳида таъкидланди.

Айниқса, кейинги етти-саккиз йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий қиёфаси тубдан ўзгараётгани, халқимизнинг турмуш даражасидаги ижобий ҳислатлар уларнинг тафаккур тарзидаги эврилишлар билан мутаносиб равишда кенгайиб бораётгани юртимиз тараққиётининг асосий омилларига айланаётганидан дарак беради. Ватанимизнинг халқаро нуфузи тобора ортиб бориши эса жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳам минтақада, ҳам жаҳон миқёсида таъсирчан кучга айланаётганини кўрсатиб турибди.

Қарорда ватанимизнинг миллий истиқлоли, халқ озодлиги учун курашиб, шу йўлда жон фидо этган, мустабид тузум даврида сиёсий қатагон қурбони бўлган ота-боболаримиз хотирасини ёд этиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз экани муҳим вазифа сифатида белгиланган бўлибди.

Муқаддас байрамимиз арафасида халқимизнинг минг йиллар давомида босиб ўтган тарихий йўли, эришган ютуқлари, жаҳон тамаддунига қўшган залварли ҳиссаси, шунингдек, бу йўлда қўлдан бой берилган имкониятлар борасида чуқур ўйлаш, амалий-мантиқий ҳулосалар чиқариш мамлакатимиз ва жамиятимизнинг келгусидаги тараққиёти учун жуда зарур.

Юқорида тилга олинган қарорда байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни “Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!” бош ғояси асосида амалга оширилиши белгиланган бўлибди. Бунда мантиқий асос бор. Гап шундаки, кўп миллатли Ўзбекистон ўз тараққиёти, бой тарихи давомида қўллаб-қувватлаш, хунрезликлар, адолатсизликлар гувоҳи бўлди. Юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликлари, меҳнаткаш халқимиз, қўлай табиий шароитимиз доимо душманлар кўзини ўйнатиб келган.

➤ Давоми 3-бетда

УЛУҒ АЙЁМ АРАФАСИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛГАН ЙИРИК БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ ТУҲФА

Бошланиши 1-бетда

Шу ерда Dmed ягона тиббиёт тизими ҳақида ҳам ахборот берилди. У шу йил якунигача Тошкентда тўлиқ ишга туширилади. Кейинчалик бутун мамлакатимиз бўйлаб жорий этилади.

Онкология марказида илм ва амалиёт уйғунлигига катта эътибор қаратилади. Позитрон эмиссион ва ягона фотонли эмиссион компьютер томографиясини қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилади. Ўсмаларнинг молекуляр-генетик диагностикаси асосида тадқиқотлар олиб борилиб, персоналлаштирилган таргет ва иммунотерапия даво усуллари клиник амалиётга таътиб этилади.

Умуман, янги ускуналар ва шароитлар натижасида марказда ўсма касалликларини эрта аниқлаш ҳамда даволаш самарадорлиги бир неча баробар ошади. Пироваридада ўлим ҳолатларини камайтириш, инсонларни соғайтириб, умрини узайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, бу тиббиёт туризмига ҳам манба бўлади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев Жамоат хавфсизлиги университетини бориб кўрди.

Мамлакатимизда қўмондонлик ва техник кадрлар тайёрлайдиган, бир неча ўқув муассасаларини бирлаштирган кўп босқичли ҳарбий таълим тизими яратилган. Жамоат хавфсизлиги университети шулардан бири.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 15 апрелдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида қайта ташкил топган ушбу маскан малакали кадрларни мақсадли тайёрлайдиган олий ҳарбий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади. Ўқув юртининг асосий вазифаси чўқур ўқитиш, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш орқали жамоат

2024 йил 1 сентябрдан 2027 йил 1 январга қадар маҳсулотининг камида 30 фоизини нуфузли халқаро бренд остида ишлаб чиқарадиган бренд ҳамкорлари учун ер, мол-мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ҳисобот даврида 50 фоиз камайтирилади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ЎЗБЕКИСТОН — АФҒОНИСТОН ЧЕГАРАСИДА ХАЛҚАРО САВДО МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида Ўзбекистон — Афғонистон чегарасида барпо этилган “Термиз халқаро савдо маркази” эркин савдо зонаси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон, Афғонистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳукуматлари делегациялари ва бошқа расмийлари, йирик ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар, меҳнат фахрийлари ва ёшлар қатнашди.

Тадбирда Президентимиз ташаббуси билан кейинги йилларда Ўзбекистон дунё давлатлари билан ижтимоий-иқтисодий, маданий, савдо ва сармовий соҳаларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги форматда ривожлантираётгани алоҳида таъкидланди. Бу жараёнда қўшни Афғонистон ҳам Сурхондарё вилоятининг яқин ҳамкорларидан бири бўлиб келаётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ҳамиша Афғонистондаги вазиятга дунё ҳамжамиятининг эътиборини қаратиб келади. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясида “ҳозирги қийин даврда Афғонистонни яққалаб, уни муаммолар гирдобига ташлаб қўйиш мумкин эмас”лигини алоҳида таъкидлаган бўлса, БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида Ўзбекистон бундан буён ҳам Марказий Осиёда яхши қўшничилик, барқарорлик, ўзаро ҳамкорлик ва ривожланиш муҳитини мустаҳкамлаш йўлидан қатъий боришини қайд этиб, Афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни су-сайтирмаслик ташаббусини, “Бизга тинч ва барқарор, минтақавий ҳамкорлик жараёнида иштирок этадиган, қўшнилари ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шериклик учун очиқ Афғонистон керак”, деган гояни илгари сурган эди.

Айни пайтда мамлакатимизда яқин қўшни Афғонистон тадбиркорларининг ўз бизнесини юритиши учун қулай муҳит яратилган. Жумладан, биргина Сурхон воҳасида афғонистонлик ишбилармонлар иштирокчида 210 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Ўтган йил вилоятнинг Афғонистон билан ташқи савдо айланмаси қарийб 58 миллион долларни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан уч баробарга ўсган.

Мустақиллигимизнинг 33 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган “Термиз халқаро савдо маркази” эркин савдо зонаси ҳам бевоқифа давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилди.

имконияти берилади. Мультивалюта, яъни Ўзбекистон сўми билан бирга АҚШ доллари, евро, Россия рубли ва юань қабул қилиш тизими жорий этилган. Марказ ҳудудига келувчи барча товарлар божхона тўловларисиз жойлаштирилади ва чиқарилади. Ҳудудда банклар, нотариуслар ва бошқа давлат хизматлари кўрсатиш марказлари ташкил этилган. Шунингдек, мажмуада “Hilton Garden Inn” меҳмонхонаси, “Akfa Medline” замонавий тиббиёт мажмуаси, “Central Asia University” бизнес мактаби, йирик савдо маркази, ресторан, хостел, йилга 900 минг тонна юк айланмаси қувватига эга йирик логистика маркази ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилган. Майдони 50 минг квадрат метр бўлган мингта савдо дўкони, бир йилда 100 минг юк машинасини қабул қилиш қувватига эга автотўроғроҳ қурилган. Афғонистондан келувчилар учун Мозори Шариф шаҳридан ҳар куни автобус қатнови йўлга қўйилмоқда.

Халқаро савдо маркази Карачи — Термиз — Тошкент — Қозоғистон — Россия транспорт коридорининг муҳим боғловчи қисми ҳисобланиб, Ҳинд океани портларига чиқиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Йирик мажмуада замонавий технологиялар асосида маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш иншоотлари мавжуд бўлиб, юкларни “Ягона дарча” таъмоили асосида тезкор расмийлаштириш учун барча қулайлик яратилган.

“Akfa Medline Ayitom” клиникасида 315 нафар малакали шифокор ва бошқа тиббиёт мутахассиси радиология, стоматология, физиотерапия бўлимлари ҳамда поликлиникада сифатли хизмат кўрсатади. “Central Asia University” бизнес мактабида ташкил этиладиган ўқув курсларида йилга 500 дан ортиқ афғон тадбиркори савдо ва ишлаб чиқариш бўйича малака ошириши мумкин. Барча тингловчилар зарур шароитларга эга ётоқхона билан таъминланади.

Савдо марказида яқинда лойиҳа қиймати 4,5 миллион долларлик “Imzo” эшик-ромларини ишлаб чиқариш бошланади. 25 кишининг бандлигини таъминлайдиган янги лойиҳадан йилга бюджетта 150



Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги “Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳрида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ ташкил этилган марказ минтақавий савдонинг ривожлантириб, маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун қулай шарт-шароит яратиш, ўзбек-афғон халқлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада яхшилаш ва ривожлантириш орқали яхши қўшничилик муносабатларини таъминлашга хизмат қилади.

Марказий Осиёда ҳозирча муқобили йўқ эркин савдо зонаси 36 гектар майдонда қад ростлади. Қиймати 70 миллион долларга тенг лойиҳа Афғонистон, Покистон ва бошқа мамлакатлар тадбиркорларига саноат, истеъмол товарлари савдоси ҳамда экспортини ўстиришда муҳим ўрин тутди. Мутахассислар мажмуага йилга 1,5 миллион киши келиши, унинг йиллик савдо ҳажми 1 миллиард 200 миллион долларни ташкил этишини айтмоқда.

Эркин савдо зонасида яратилган имтиёзлар доирасида барча чет давлат фуқароларига Ўзбекистонга кириш визасисиз 15 кун марказда бўлиш ва чиқиш

миллион сўм маблаг тушади. “TERMEZ GOLD PRODUCTION” заргарлик буюмлари ва ярим тайёр заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, “CITY-ELECTRIC GROUP” ёруғлик техникаси ускуналари ишлаб чиқариш корхоналари ҳам иш бошлайди.

Яқин қўшничилик ва азалий дўстлигини кенг намоён этган савдо зонаси очилиш маросимининг иштирокчилари замонавий марказ билан яқиндан танишиди.

Тантанали тадбирда Озарбайжон Республикаси Бош вазири ўринбосари Шахин Мустафоев, Қирғизистон Республикаси иқтисодиёт ва савдо вазири ўринбосари Назарбек Малаев, Қозоғистон Республикаси савдо ва интеграция вазири ўринбосари Қайрат Торебоев ва бошқалар иштирок этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Афғонистон Бош вазири вазифининг вақтинча бажарувчи Бародар Мулла Абдул Ғани сўзга чиқди.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири

Имтиёз

РАҚОБАТБАРДОШ МИЛЛИЙ БРЕНДЛАР

Бу борада тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодиётимиз янада юксалади



“Made in Uzbekistan” ёки “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган”. Бугун савдо дўконларига кирганимизда ушбу ёрлик остидаги маҳсулотни устун қўямиз. Чет элларда ўзимизнинг миллий брендли маҳсулотларни кўрганда эса ҳам қувонамиз, ҳам фахрланамиз.

Кейинги йилларда иқтисодиётимиз ривожланиб, маҳсулотини экспорт қилаётган тадбиркорлар сони кўпаймоқда. Таҳлилларга кўра, биргина тўқимачилик соҳасида ўтган йилда 8,2 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, бу етти йил аввалгига нисбатан 4,2 баробар кўп.

2023 йилда тармоқдаги экспорт ҳажми 3,1 миллиард долларни ташкил этган. Жорий йил бошида яна учта янги бозорга чиқилиб, экспорт географияси 83 мамлакатга етган.

Лекин, аслида, тўқимачилик соҳасида ҳам, саноатнинг бошқа йўналишларида ҳам экспорт салоҳияти бундан анча юқори.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 августдаги “Саноат соҳасида нуфузли халқаро брендлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва миллий брендларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тадбиркорларга бу борада янги имкониятлар тақдим этилмоқда.

— Мазкур қарор саноат соҳасига нуфузли халқаро брендларни жалб этиш, улар билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош миллий брендларни шакллантиришга қаратилган билан аҳамиятлидир, — дейди Савдо-саноат палатаси бошқари Аликшер Мирхолдиров. — Шу билан бирга, саноатга нуфузли халқаро брендларни жалб қилиш бўйича янгича ёндашуларни жорий қилиш, халқаро брендлар остида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош миллий брендларни яратишни янада рағбатлантириш ҳамда бу борада тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Ҳужжатнинг энг муҳим жиҳати, халқаро брендлар остида маҳсулот ишлаб чиқарувчи



корхоналарга солиқ имтиёзлари тақдим этилганди. Хусусан, Президентимизнинг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, 2024 йил 1 июлдан бошлаб нуфузли халқаро брендлар билан ишлаб чиқаришни бошлаган корхоналар уч йил давомида нуфузли халқаро брендлар остида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун зарур бўлган барча хомашёлар маҳаллийлаштириш даражасини камида 60 фоизга етказиш шарти билан божхона божидан озод этилади.

Қарорда тадбиркорлик субъектларининг “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” (“Made in Uzbekistan”) ёрлиғи остида халқаро брендларнинг глобал қўшилган қиймат занжирига киришини рағбатлантириш ҳамда миллий саноат брендларини қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширишга қаратилган вазифалар белгиланди.

Янги тартибга мувофиқ, 2025 йилдан бошлаб ҳар йили 1 апрелга қадар Савдо-саноат палатаси махсус электрон платформада халқаро

адабиёт ва ўқув қўлланмаси, 10 мингдан ортиқ электрон адабиёт мавжуд. Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ва олий таълим муассасаларининг ягона электрон кутубхона ахборот тизими базаларига уланган.

Университетда илмий салоҳият ошиб бормоқда. Ташкил этилган йили бу бор-йўғи 10 фоизни ташкил этган бўлса, айни пайтда 75 фоизга кўтарилди. Университет жамоаси томонидан турли фанлар бўйича 200 дан ортиқ ўқув қўлланмаси, 120 та дарслик тайёрланиб, чоп этилди. Халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз офицер ва талабалар билан мулоқотда дуал таълимни кенг жорий қилиш, ўқув дастурини бугунги хавф-хатарларга мослаштириб бориш бўйича кўрсатмалар берди.

Университетнинг янги спорт мажмуаси ҳам кўздан кечирилди.

Икки қаватли мажмуада бассейн, тренажёр ва кросфит зали, бокс, кўпқурраш майдонлари ташкил этилган. Катта спорт залида гимнастика, мини-футбол, гандбол, волейбол, баскетбол, стол теннис билан бирга баландлик тайёргарлиги ва эвакуация машғулотларини ўтказиш мумкин.

Курсантлар спортда ҳам катта ютуқларга эришмоқда. Шу кунгача жаҳон чемпионатларида 4 олтин, 3 кумуш, 5 бронза медаль, қитъа ва республика мусобақаларида ҳам кўплаб ютуқлар қўлга киритилди. Бир нечта талабалар давлат стипендияларига, ҳарбий хизматчилар “Мард ўғлон” давлат мукофотида сазовор бўлган.

Маънавият ва маърифат марказида 500 ўринли тадбирлар зали, ҳарбий оркестр жамоасининг шуғулланиши учун алоҳида хона, ватанпарварлик музейи, психологик марказ жойлашган. Давлатимиз раҳбари уларнинг ижодий чиқишларини қутлатди.

Тошкент халқа йўли пойтахтиимизнинг энг узун ва кенг кўчаси. Фақат унинг Мирзо Улугбек туманидан ўтган бир қисми тор бўлиб, ҳозирги талабга — кунига 45-50 мингта автомашини қатновига мос

келмай қолган эди. Шу боис, ушбу йўл кенгайтирилиб, қайта қурилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерга келиб, транспорт ва пиедалар учун яратилган қулайликларни кўздан кечирди.

Бу йўл пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг бир неча туманларини боғлайди. Сўнгги йилларда қатнов сезиларли ортди. Шуларни инобатга олиб, бу ерда замонавий транспорт ечими қўлланилди. Йўлнинг 4 километrigа асфальт-бетон ётқизилди. Қатнов қисми эса олдингидан анча кенгайтирилиб, 6-8 тасмага етказилди. Шунингдек, 4 та ер ости ўтиш жойи, пиеда ва велоўлаклар қурилди.

Ўзига хос ечимлар асосида 3 та қайрилиб олиш ҳамда 18 та кесимчаларда қўшилиб олиш жойлари ташкил этилди. Бу ҳайдовчиларга қулайлик яратиб, тирбандликни камайтиришда муҳим омил бўлади.

Кўчанинг Буюк ипак йўли билан кесишмасида йигма темир конструкцияли йўл ўтказгич қурилди. Мамлакатимизда илк бор қўлланилган бу усулнинг афзаллиги кўп. Хусусан, унинг қурилиш муддати бошқа кўприкларга нисбатан икки баробар кам вақт талаб қилади. Хизмат кўрсатиш муддати эса юз йилдан ортиқ. Ўтказгични таъмирлаш ишлари ҳам анча арзон тушади.

Кўча бўйларига электрон шаклда бошқариладиган тунги ёритиш тизими, ақлли светофорлар ўрнатилди. Ўн учта бекат қурилди. Ҳудуд кўкаламзорлаштирилиб, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Президент янги йўл ва иншоотлар Мустақиллик байрамига туҳфа эканини таъкидлаб, халқнинг узоғини яқин, оғирини енгил қиладиган бундай қурилишлар давом эттирилишини билдирди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатимизда 12 минг 600 километр автомо-биль йўллари, икки юзга яқин кўприк реконструкция қилинган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АХМАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбири

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!



Қонлар, жонлар ва кўз ёшлар эвазига қўлга киритилган БУЮК НЕЪМАТ

Бошланиши 1-бетда

Бундан 33 йил муқаддам қўлга киритган тарихий ғалабамиз биздан ҳар дақиқа оғоҳ бўлишимиз, сиёсий ҳушёрликни эсдан чиқармасликни талаб этади. Чунки халқимиз ҳурлиқнинг ўтган қисқа даврида озодлик ва эрқнинг нақадар тотли эканини англаб етди. Биз энди ўзининг мустақкам заминига, ўз сўзи, мустақил ташқи сиёсатига, жаҳон айвоинда эркин, барча билан тенг гаплаша оладиган кучли давлатга айландик.

Бугун юртимиз мустақиллигига муайян даражада хавф солиб турган айрим кучлар борки, биз ўз сиёсатимизда ана шу омилларга алоҳида эътибор бермаслигимиз мумкин эмас. Назаримда, бундай хавфлар жуда кўп бўлса-да, уларни умумлаштириб, икки катта гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчидан, турли ғоявий-мафкуравий таҳдидлар тобора кучайиб бораётган, қатор давлатларнинг ўз миллий манфаатларини амалга ошириш мақсадида барча воситалардан фойдаланиши авж олаётган ҳозирги глобаллашув шароитида ўзга юртларни ўз таъсирига қиритиш амалиёти ҳали ҳам авж олиб бормоқда. Нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда ўз сўзига, мустақил ташқи сиёсатига эга бўлган Ўзбекистонга нисбатан турли ғайринисоний ҳаракатлар қилишга мойил давлатлар ҳали борлигини эсдан чиқармаслик керак.

Иккинчидан, янги Ўзбекистон шароитида кечаётган туб ислохотлар мазмун-моҳиятини тўлиқ англамаётган ёки англашни истамётган айрим ватандошларимиз борлигини ёддан чиқариш асло мумкин эмас. Кечаги куннинг кайфиятида юрган, яқин ўтмишда юртимизда содир бўлган сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, ғоявий-мафкуравий воқеа-ҳодисалардан тўғри хулосалар чиқара олмаётган баъзи кишиларнинг мустабид тузумни соғиниш ҳолатлари мавжудлиги ҳам, назаримизда, янги Ўзбекистонни барпо этишга муайян даражада ҳалақит қилади.

Шунинг учун биз муқаддас байрамимиз арафасида тарихимиз, айниқса, яқин ўтмишнинг айрим жirkanч саҳифаларидан халқимизни хабардор қилишимиз зарур. Зеро, тарихини унутмоқ, аслида, ўзликни унутиш, ўз тарихий, маънавий заминидан жудо бўлишдан бошқа нарса эмас. Дарҳақиқат, инсон руҳияти, дунёқараши, маънавий оламида унинг келажақ сари ривожланиши учун мустақкам пойдевор яратмас эканмиз, бу ҳол, шубҳасиз, ҳар қандай жамиятнинг маънавий-мафкуравий асосларини емираведади.

Келинг, шу ўринда улуг ва азиз истиқлол байрамимиз арафасида халқимизнинг яқин ўтмишдаги ахлоқи, мустақиллик ва эрк учун курашлари тарихига қисқача назар ташлайлик.

Собиқ совет даври адабиётларида Ўрта Осиёнинг Россияга ўз ихтиёри билан қўшилгани ҳақидаги ақддалар устуворлик қилган. Эмишчи, халқимиз XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг бошларида ўзининг огир иқтисодий-ижтимоий ахлоқини яхшилаш, маҳаллий бой-амалдорлар зуравонлигидан қутулиш учун мустамакачиларни хурсандчилик билан, туз-нон тутиб кутиб олган.

Бундай қараш мустабид тузум сиёсатидаги зуравонликлар, халқимизга етказилган зарар-заҳматлар ҳажмини атайин камайтириш учун тўқиб чиқилган сиёсий найранглардан бошқа нарса эмасди.

Хўш, аслида, қандай бўлган эди? Ўз қадр-қимматини билган халқимиз озодлик, ҳурлик қимматини ҳам жуда яхши тушуниб етган. Шунинг учун ҳар қандай душманга қарши тинимсиз қаршилиқ кўрсатган, ўз шаъни-шарафини кўз қорачигидек ҳимоя қилишни миллат ор-номуси деб билган. Ўзбекистон тарихини мустақиллик учун курашлар тарихи дейишга тўлиқ ҳаққимиз бор.

Истилочилар қандай йўллар билан бўлмасин, юртимизнинг бой иқтисодий имкониятларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилди. Кишлоқ ва шаҳарларимиз таланди, иқтисодиётимизга катта зарар етказилди, халқнинг аҳоли эса йилдан йилга огирлаша бошди. Биргина 1916 йилда Туркистон генерал-губернаторлигидан Россия фронтига 654 минг 388 тонна пахта, 38 минг квадрат метр чидамли жун гилам, 49 минг 744 тонна гўшт, 70 минг бош қорамол, 12 минг 797 бош туя ва 2,4 миллион олтин рубль жўнатилди.

Бундай талончилик халқимизнинг огир иқтисодий ахлоқини янада қийинлаштирди. Натижада ўзбек халқи қўлига тушган қуроллар — милтик, кетмон, ўроқ, барча воситалар билан ўз юртидан мустамакачиларни қувиб чиқаришга бел боғлади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, биргина 1899-1917 йиллар



Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

мобайнида Туркистон генерал-губернаторлигидан ҳукмрон босқинчиларга қарши 4922 мартаба қуроли ҳужум уюштирилди.

Бироқ ўлкаимизнинг ўша пайтдаги огир ахлоқи, юртимизнинг жаҳон тараққиётидан жиддий ортда қолгани туфайли бу қаршилиқ ҳаракатлари кўпинча мағлубият билан тугаган, кўзголочилар эса шафқатсизларча жазоланган. Шу ўринда австриялик ҳарбий асир, офицер Фриц Уилфорт 1916 йилги Жиззах шаҳридаги кўзголочилар кўрина бошлади. Ёнгин тахминан 15 кун давом этди. Шаҳарда ёнгини ўчиришга одам қолмади. Жасадлар ҳиди шаҳарни тутиб кетганди, деб ёзди “Босмачилар. Туркистон миллий кураши тарихи” китобида доктор Боймирза Хайит.

Ана шу воқеалардан сўнг Туркистон ўлкасида узоқ давом этган ва шўролар даврида “босмачилик” деб аталган, аслида эса миллий-озодлик ҳаракати бошланди. Бу ҳаракатнинг мақсади юртни мустамакачилардан озод этиш, миллий давлатчилик асосларини тиклашдан иборат эди.

1918 йилнинг март-май ойларида Эргаш қўрбоши қўшинлари Бачқирдаги асосий қароргоҳларидан туриб, Қўқон атрофида-



қон мухторияти” деб аталган воқеалар, аслида, Туркистон мухторияти эди. Ўша давр сиёсатдонлари бу воқеанинг сиёсий-мафкуравий аҳамиятини сунъий равишда камайтириш мақсадида уни “Қўқон мухторияти” деб атади.

Туркистон мухторияти миллий тарихимизнинг ўзига хос босқинчидир. 1917 йил ноябрь ойида ташкил топган давлатчиликнинг ушбу шакли узоқ яшамади. 1918 йилнинг 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси қизил қўшинлар Қўқон шаҳрига ўтар тарафдан ҳужум бошлади. Бу ҳужумлардан мақсад ёш миллий давлатнинг “қўзини очиб қўйиш” эди. Биргина ана шу кўнларнинг ўзида Қўқонда 10 минг бегуноҳ одам ўлдирди.

Қўқон огир жанглар оғушида қолди. Қўчалар, даҳалар қўлдан қўлга ўтиб турар, юзлаб, минглаб тинч аҳолининг ёстиги қурир эди. Истилочилар 12 та тўпдан тинмай ўқ узди. Шаҳар қонга тўлди, юртимиз бундай хунрезликларни кўрмаган эди. Биз юқорида номининг эслаган Фриц Уилфорт ёзади: “Қўқон йўналишидан вокзалга 25 вагон бир-бирининг устига тиқилиб қолган қизил аскарлар тўла поезд келиб қолди. Дала артиллерияси, гаубица ва пулемётлар очик вагонларда мохирлик билан камуфляж қилинди. Вагонлардан бири аскарлар ва уларнинг ўлжаларига тўла эди. Бошқа вагонларда отлар, қорамоллар ва болалар йиғилиб турарди. Икки йўловчи вагонда тиш-тирноғича қуролланган қизил аскарлар, уларнинг бошида Осилов бор эди”.

Аслида, нима бўлган эди? Истилочилар Қўқон шаҳрини чақмоқдек урган, шаҳардаги сартлар орасида даҳшатли қирғинлар, эски шаҳарни вайрон қилиб, ўт қўйгани, мусулмон ҳукумати бирдан йўқ қилингани ҳақидаги хабар бутун ҳудудга тарқалди. Катта ўлжа, Қўқон банкнинг бутун олтин захираси қизил аскарлар қўлига ўтди.

Ўша ҳодисалар гувоҳларининг ёзишча, Қўқон “олов денгизи”га айланди. Талончилик ва ўғирлик авж олди. Эски шаҳар ҳудудидидаги барча қорхоналар, дўконлар, банклар ва уйлар талон-тарож қилинди. Дастлаб бозор ёқиб йорилди. Сўнгра бутун эски шаҳар ҳудуди ёнди. 21 февралдан ёнгин 15-20 километр масофадан кўрина бошлади. Ёнгин тахминан 15 кун давом этди. Шаҳарда ёнгини ўчиришга одам қолмади. Жасадлар ҳиди шаҳарни тутиб кетганди, деб ёзди “Босмачилар. Туркистон миллий кураши тарихи” китобида доктор Боймирза Хайит.


Ана шу воқеалардан сўнг Туркистон ўлкасида узоқ давом этган ва шўролар даврида “босмачилик” деб аталган, аслида эса миллий-озодлик ҳаракати бошланди. Бу ҳаракатнинг мақсади юртни мустамакачилардан озод этиш, миллий давлатчилик асосларини тиклашдан иборат эди.

1918 йилнинг март-май ойларида Эргаш қўрбоши қўшинлари Бачқирдаги асосий қароргоҳларидан туриб, Қўқон атрофида-

“Янги Ўзбекистонда инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва бахт-саодати давлат сиёсати, барча давлат органлари, бутун жамиятнинг энг устувор ва муқаддас мақсадида айланган. Бунинг айрим рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди. Масалан, 2023 йили давлат бюджетидида 130 триллион сўм, яъни барча харажатларнинг салкам 50 фоизи ижтимоий соҳага ажратилган. 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, ҳозирги кунда 2 миллиондан ортиқ оилга моддий кўмак берилляпти. Ажратилган маблағ эса 7 баробар кўпайди.

Мустабид тузум юртимиз тақдирида ва халқимиз ҳаётида ўта машъум асоратлар қолдирди. Шу ўринда ватандошимиз Боймирза Хайит қаламига мансуб бўлган қуйидаги маълумотларни беришни лозим топдик: “1917-1923 йилларда фақат Фарғона водийсининг ўзида 1 миллиондан ортиқ одам очлиқдан ўлган. Шунингдек, 1918-1924 йилларда 500 минг киши қизил аскарлар томонидан қириб ташланган, 1915 йили Фарғона минтақасида 2,2 миллион киши яшаган бўлса, 1924 йил охирига келиб, 500 минг киши қолган, яъни 10 йил ичида 1 миллион 700 минг киши ҳалок бўлган. Шаҳобиддин Яссавий эса 1920-1935 йилларда Туркистонда тахминан 2 миллиондан ортиқ киши ноиложликдан хорража кетган деб ҳисоблайди”.

Боймирза Хайитнинг ҳисоблашича, Ўрта Осиёда 1917-1934 йилларда олиб боришган миллий-озодлик ҳаракатида турли миллат вакилларидан 2 миллионга яқин одам жон фидо қилган. 1930-1939 йилларда камиди 1 миллион 700 минг киши “босмачи”ларга қўшилган, уларга ёрдам берган ёки улар ҳақида маълумот бермаганликда айбланиб, Сибирга ва бошқа жойларга сургун қилинган. Ҳаммаси бўлиб 5 миллион 600 минг киши қурбон бўлган. Бу ҳисобга чор Россияси босқинига қарши Ўрта Осиё халқлари 1853-1917 йилларда олиб борган миллий озодлик кураши давомидида кўпдан кўп қурбонлар қилибди. Агар уларни ҳам жамлаб, 130 йил давомиди



Мустабид тузум даври маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари шундан иборат эдики, унга биноан ҳар бир миллий маданиятнинг ривожланиши партия кўрсатмалари асосида бўлиши, бунда синфийлик, ғоявийлик асосий тамойиллар ҳисобланиши шарт этиб белгиланди. Социалистик маданият ўз табиати ва мазмунига кўра тоталитар хусусиятга эга бўлиб, унда асосий эътибор ҳукмрон партия ва совет давлати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилди.

Ўша даврларда қабул қилинган барча қарорлар, партиявий кўрсатмалардан кўзланган мақсад эса ўзбек маданияти, санъатини “ғоясизлик”, “миллатчилик”, “ғарбпарастлик”, “халқ манфаатларига қарши формал фаолият”, “хаётий ҳақиқатни бузиб қўрғатиш”да айбаш, айбдорларни эса жазолашдан иборат эди. Масалан, биргина 1951 йил августда республика матбуотида маданият соҳасидаги мафкуравий жараёнларга бағишланган туркум мақолаларда Туроб Тўла, Миртемир, Собир Абдулла, Ойбек, Ҳабибий, Ҳоди Зариф, Ҳомил Ёқубов, Иззат Султон каби адиб, олимлар социалистик реализм тамойилига номуносиб фаолият кўрсатгани кескин танқид қилинди.

Уттан асрнинг 50-йиллари бошларида келиб, Ўзбекистон маданий ҳаётида яна катта қатагон сиёсати бошланди. Айниқса, бу жараён 1951-1952 йилларда кучайди. “Совет тузумига душманлик” фаолияти учун Шукрулло, М.Шайхзода, М.Осим,



С.Аҳмад, М.Исмоилий, Шухрат, Ҳ.Сулаймон ва бошқа ёзувчи, шоир, олимлар узоқ муддатли қамоқ жазосига тортилди. 1952 йил феврал ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси пленумида адиблик иши шахсий иш эмас, балки партия ва давлат иши экани, ҳар бир шоир, ёзувчининг асари даражаси унинг коммунистик ғояларга қай даражада мослиги билан белгиланиши лозимлиги қайд этилди. Ушбу даврда “Алпомиш” достони ҳам ғоясизликда айбланди, у оддий халқ манфаатларига зид деб баҳоланди. Кейинчалик минг йиллар давомидида халқимиз миллий-маданий меросига айланган Наврўз байрами ҳам эскилик сарқити, халқни тўғри йўлдан қалитувчи тадбир сифатида танқид қилинди ва унинг номи “Навбахор” деб ўзгартирилди.

Фикримизча, миллий давлат мустақиллигининг том маънодаги ижтимоий аҳамиятини тўғри тушуниш, бугунги куннинг шуқро-насини қилиш учун ҳам ушбу яқин тарихни ўрганиш лозим. Қолаверса, ҳақиқат нисбатда билинади. Бугун айрим ватандошларимизнинг мустабид тузумни кўмсаши билан боғлиқ салбий ҳолатлар мазкур масалага эътибор беришимизни талаб қилмоқда.

Юқоридида баён этилган масалаларга аҳамият берсак, яқин тарихимизда йўл қўйилган ҳатоларимизни эътироф қилсак, шубҳасиз, мустақиллик йилларида, айниқса, кейинги етти-саккиз йил ичида қўлга киритган ютуқларимиз салмоғи янада равшанроқ кўринади.

Келинг, яхшичи, шуларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтайлик.

Биринчидан, биз бутун мамлакатимизда яшовчи барча халқлар ва миллатларнинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари, айниқса, ривожланиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, имкониятларини рўёбга чиқариш ғояси реал ҳақиқатга айланганини кўришимиз мумкин.

Буларнинг бари ушбу мақсадларга тинч, адолатли, ҳар қандай ижтимоий тўқнашлардан холи, инклюзив ва очик фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳокимият органларининг барча бўғинларида самарали бошқарув, ошкоралик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш орқали эри-

шиш имкониятлари ва тизимини шакллантирмоқда. Кейинги йиллардаги энг катта ютуқларимиздан бири жамиятда “Инсон — жамият — давлат” тамойилининг ҳаётга жорий этилиши бўлди, дейиш мумкин. Бу фикрларнинг ҳаётдаги ифодасини эса қонунчилигимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар сони 3,5 баробар оширилганида, 40 дан ортиқ янги конституциявий ҳуқуқ муҳрианиб қўйилганида кўриш мумкин.

Иккинчидан, мамлакатнинг салоҳияти, миллат равақи иқтисодиётнинг барча жаҳаларидаги тараққиёт даражасига, замонавий давлат эса инновацион иқтисодиёт ва янги технологияларга асосланган индустрияга боғлиқ. Ана шу ҳақиқатни эътиборга олган ҳолда бугун билимлар ва инновацион иқтисодиётни мустақамлаш, илгор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш янги Ўзбекистон миллий қиёфасида алоҳида ўринга эга бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари ўз фаолиятининг илк кунлариданоқ кенг қўламли илмий-техник кооперация ва янги технологияларни, илм-фан ва техника ютуқларини иқтисодиётга жорий этмасдан туриб, барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишга эришиш мумкин эмаслигини бот-бот таъкидлади.

Инновацион ривожланишни жадаллаштириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида янги ишланмалар ва замонавий технологияларни кенг таътиқ этиш, инсон капитали ҳамда илм-фан соҳаларини ривожлантириш мақсадида 2019 йилдан Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шунингдек, 2030 йилгача таълим, илм-фан ва кишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришни назарда тутидиган дастурий лойиҳалар ҳамда “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳаётга таътиқ этилмоқда.

Учинчидан, агар 2016 йилгача ҳам давлатни бошқариш, иқтисодиётга раҳбарлик қилиш борасида давлат монополияси ва бошқаруvingни маъмурий усуллари сақланиб қолган бўлса, бугунги кунга келиб, бу борада жиддий сифат ўзгаришлари ва олдинга силжииш ози берди. Давлат монополиясига аста-секинлик билан чек қўйилиши, иқтисодиёт соҳасида соғлом раёобат муҳити юзага келиши, ижро ҳокимияти тизими ислох этилиши, маъмурий-бюрократик тўсиқлар олиб ташланиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий қиёфасини ўзгартриб юборди.

Ҳозир давлат монополиясига бўлган электр генерацияси, иссиқлик таъминоти, киме, авиация, таълим каби соҳаларга хусусий сектор жадал кириб келмоқда. Хусусийлаштириш дастури доирасида давлат ўлиши мавжуд қорхоналар сони 6 баробар ёки ҳозирги 2,3 мингтадан 360 тага камайди. 17 турдаги давлат монополияси бекор қилиниб, уларга ҳам хусусий сектор фаол жалб қилинди.

Тўртинчидан, янги Ўзбекистонда инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва бахт-саодати давлат сиёсати, барча давлат органлари, бутун жамиятнинг энг устувор ва муқаддас мақсадида айланган. Бунинг айрим рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди. Масалан, 2023 йили давлат бюджетидида 130 триллион сўм, яъни барча харажатларнинг салкам 50 фоизи ижтимоий соҳага ажратилган. 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, ҳозирги кунда 2 миллиондан ортиқ оилга моддий кўмак берилляпти. Ажратилган маблағ эса 7 баробар кўпайди.

Халқимизга қўлай ҳаёт шароитини таъминлаш учун 300 га яқин давлат хизмати тўлиқ рақамлаштирилди ва аҳолига 50 миллиондан ортиқ хизмат кўрсатилди.

Бешинчидан, бугун юртимиз катта қурилиш майдонига айланди. Бундай ҳажмдаги қурилиш ишлари мамлакатимиз поитахтида 1966 йилги зилзиладан кейин бўлмаган эди. Натижада сўнгги 6 йилда республика бўйича 300 мингта ёки аввалги йиллардагига қараганда 10 баробар кўп уй-жой қурилди. Одамларни сифатли уй-жой билан таъминлаш мақсадида “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш амалиёти жорий этилмоқда. Биргина 2023 йилда 38 та шундай массив ташкил топди.

Бундай мисолларни юзлаб, минглаб келтириш мумкин. Юртимиздаги барча бунёдкорлик ишлари, туб ислохотлардан кўзланган мақсад эса халқимизнинг тобора ортиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, одамларимизга сифатли ҳаёт учун қўлай шароитлар яратишдан иборатдир. Айни пайтда мамлакатимизнинг халқро нўфуси йилдан йилга ортиб бормоқда, янги Ўзбекистонни ўзининг яқин ҳамкори, ишончли шериги сифатида кўришни истайдиган давлатлар, халқро ташкилотлар сони янада кўпаймоқда. Аслида, мустақилликнинг реал кўриниши ҳам шундан иборат.

Тараққиёт одимлари

Кейинги йилларда Ўзбекистонда кончилик ва металлургия соҳасидаги ислохот қўлами кенгайди. Хусусан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатидаги улкан бунёдкорлик ишлари саноатимиз тарихида янги саҳифалар очилаётганидан далолат беради. Ўзбекистондаги тарихий инвестиция лойиҳаси — Ёшлик I кони ўзлаштирилиши халқимиз, иқтисодийетимиз, мамлакатимиз истиқболли учун гоят муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ёшлик I кони дунёда маъдан таркибида олтин ҳажми бўйича энг йирик кон деа тан олинган. У мис конларидаги ўртача олтин таркиби бўйича иккинчи, маъдан ҳажми бўйича учинчи, мис ҳажми бўйича олтинчи ўринни эгаллади. Лойиҳа бошлангандан буён коннинг 190 миллион куб метр юзаси очилиб, маъдан қазиб олишга тўлиқ тайёрланди. Коннинг темир йўл, электр таъминоти ва автомобил йўлидан иборат инфрамуҳитаси барпо этилди. Президентимиз 2021 йилда 60 миллион тонна маъдани қайта ишловчи 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишига старт берган эди. Айтин кунларда дунёдаги энг йирик тоғ-кон



Абдулла ХУРСАНОВ, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқарув раиси

саноати мажмуаси сифатида эътироф этилаётган ушбу фабрикани бунёд этиш ишлари якунланиш арасида. Қурилишни жадаллаштириш мақсадида металл конструкциялар заводи ишга туширилди. Мутахассисларнинг баҳолашича, фабрикага сарфланган металл конструкциялар 10 дан зиёд Эйфель минорасини қуришга етади. Мана шунинг ўзи ҳам бу фабрика қанчалик йирик мажмуа эканини кўрсатади. Ёшлик I кони, 3-мис бойитиш фабрикаси ҳамда ёрдамчи объектларни электр билан таъминлаш учун 500 киловольт қулничи рақамли подстанция, юқори қувватли 110 киловатт электр линияси, 80 ва 63 мегаваттли подстанциялар қурилиши якунланди. Кон ҳудудига жойлашган, қуввати 30 миллион тонна бўлган дастлабки майдалама ва юклаш бўлимасининг биринчи қисми ҳамда қондан фабрикагача маъданини ташиги мўлжалланган конвейер линияси қурилиб, ишга шай ҳолатга келтирилди. Портловчи моддалар заводи қуввати 90 минг тоннага оширилди. Тез орада ташқи сув, газ ва электр таъминоти объектлари, тоғ-кон техникасини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ишга туширилади.

Нуктаи назар

Машҳур бренд остидаги махсулотлар дастлаб олимлар томонидан кашф қилингани ва унга патент олинганини ҳамма ҳам билавермаса керак. Билганлар эса патент қай тартибда олиниши, патентлаштирилган махсулотларнинг нега ҳаммаси давомли ишлаб чиқилмаслиги ҳақида сўрайди.

Товар олимники бўлиши учун уни патентлаштириш керак. Агар олим ихтиросини патентлаштирмаса, худди шундай илмий ишланмани эртага бошқа биров ёки бирор олий таълим муассасаси патентлаштириб, “Бу меники!” дейиши мумкин. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият юритаётган олимлар қўшимча даромад олиши, соҳани янада ривожлантириш учун ўз илмий ишланмаларини доимий равишда тижоратлаштириб бориши керак. Тўғри, бу олимларга бир оз қийинчилик туғдиради, сабаби уларда савдогарлик қобилияти бўлмаслиги мумкин. Олим олимлигини қилади, аммо тижорат қилолмайди, унинг ихтиросини кимдир олиб сотади. Ўз навбатида, тижоратчи ҳам олим бўлолмайди. Иккала хусусиятнинг бир кишида жам бўлиши қийин. Бундай хислатли одамлар камдан кам учрайди. Хўш, патентлаштириш учун нима қилиш керак? Ихтиро сифатида берилган объект, агар у янги, ихтиролик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, талабнома асосида Интеллектуал мулк агентлиги томонидан рўйхатга олинади ва ҳуқуқий жиҳат

САНОАТНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ



Хозир йилига 60 миллион тонна маъдани қайта ишловчи 4-мис бойитиш фабрикасини қуриш лойиҳасини ҳам бошлаб юборганмиз. Бунинг натижасида 2028 йилга бориб, жами қайта ишланадиган маъдан ҳажми бугунги 40 миллион тоннадан 160 миллион тоннага етказилади ёки 4 қарра ошади. Энг муҳими, минглаб янги иш ўрни яратилади.

Бугунги кунда 3-мис бойитиш фабрикасида ишлаб чиқариладиган 1 миллион тоннагача мис концентратини қайта ишлаш учун янги металлургия мажмуасини қуриш лойиҳаси устида ишланмоқда. Мажмуа учун энг замонавий Flash Smelting-Flash Converting технологияси танлаб олинди. Бу технология концентратдан 98,4 фоиз мисни ажратиб олиш имконини беради. Яна бир муҳим жиҳати, технологик жараён тўлиқ ёпиқ бўлиб, атроф-муҳитга мутлақо зарарсиз ва 99,7 фоиз зарарли газлар ушлаб қолинади. Хозир йилига 60 миллион тонна маъдани қайта ишловчи 4-мис бойитиш фабрикасини қуриш лойиҳасини ҳам бошлаб юборганмиз. Бунинг натижасида 2028 йилга бориб, жами қайта ишланадиган маъдан ҳажми бугунги 40 миллион тоннадан 160 миллион тоннага етказилади ёки 4 қарра ошади. Энг муҳими, минглаб янги иш ўрни яратилади.



лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар Хитой компаниялари вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Мавжуд имкониятларимиз ҳамкорлик қилиш манфаатли эканини яна бир марта тасдиқлади. ВЭВ форматдаги музокаралар давомида қатор компаниялар билан мисни чуқур қайта ишлаш ва экспортбоп махсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлик битимлари, меморандумлар имзоланди. Оҳангарон туманидаги “Мис кластери” индустриал зонасига берилган имтиёзлар Чин юрти компаниялари вакилларини қизиқтириб қўйди. Хозир ушбу ҳудудда 2 та қўшма корхона негизда тоғ-кон техникасига эҳтиёт қисмлар ва аккумулятор батареялари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чоралари қўйилмоқда.

Юртимиздаги нодир металллар ва критик минераллар қазиб олиш ҳамда қайта ишлашни кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон технологик металллар комбинати ташкил этилди. Шу боис, ноёб металллар ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб турган Хитой компанияларини муҳим минералларни ажратиб олиш лойиҳаларига жалб қилиш ўрганиб чиқилмоқда. Нурилкон литий слодадари маъданидан литий олишининг самаралари технологиясини ишлаб чиқиш, Тошқоғзан қонида графитини бойитиш лойиҳалари шулар сирасидан. Сарикқўл шеелиг кони асосида қон-қайта ишлаш мажмуасини қуриш ва юқори сифатли вольфрам концентратини ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам истиқболли ҳисобланади.

Бундан ташқари, тантал-ниобий, титан-магнетит-ванадий каби маъданларни қайта ишлашга самарали технологияларни жалб қилиш режамизда бор. Пировадига бу ишлар нафақат мис, балки юқори қўшилган қийматли турли экспортбоп махсулотлар ишлаб чиқаришдан салмоқли фойда олиш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда мамлакат миллий иқтисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, тантал-ниобий, титан-магнетит-ванадий каби маъданларни қайта ишлашга самарали технологияларни жалб қилиш режамизда бор. Пировадига бу ишлар нафақат мис, балки юқори қўшилган қийматли турли экспортбоп махсулотлар ишлаб чиқаришдан салмоқли фойда олиш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда мамлакат миллий иқтисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қадамлар — келажакимиз

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида “Рақамли ОКМК — 2030” концепцияси қабул қилинган. Унга мувофиқ, бизнес ва технологик жараёнларни бошқариш, транспорт-логистика тизими босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда. Масалан, ҳужжатлар айланимаси, иқтисодиёт-молия, бухгалтерия йўналиши учун ID ва IC тизимлари жорий қилинган. Биргина ушбу йилда мазкур йўналишда 20 дан зиёд лойиҳа амалга оширилиши белгиланган эди, амалда уларнинг бир нечаси қўлланилмоқда. Жумладан, мис эритиш заводи ва 2-мис бойитиш фабрикасининг мнемосхемалари тўлиқ янги SCADA тизимга ўтказилиб, технологик маълумотларни онлайн таҳлил қилиш имконияти яратилди. Фабрика бункерларида маъдан даражаси лазер датчиклар, темир йўл вагонлари датчиклар орқали онлайн назорат қилинади. IC:ERP (Performance) аксборот тизими тақомиллаштирилиб, ишлаш барқарорлиги 3 баробар оширилди. Янги барпо этилган муҳандислар мактабида автоматлаштириш соҳаси мутахассисларини

ўқитиш бўйича электрон ўқув дастур ва қўланмалар ишлаб чиқилиб, дастурилар Siemens ва AVEVA (Schneider Electric) автоматлаштириш тизимларида ишлашга ўқитилмоқда. Қалмоққир ва Ёшлик I конларида транспорт бошқаруви тизими жорий қилинмоқда. Бунда 102 та автосамосвал, 36 та экскаватор, 20 та бурғилаш техникаси, 207 та ёрдамчи техника махсус техник аппарат воситалари, яъни планшет, GPS/Глонасс трекерлари ва сенсорлар билан жиҳозланиб, маълумотларни онлайн шаклда жамлаш ва қайта ишлаш йўлга қўйилмоқда. Конларда маркшейдерлик ишларини юқори аниқликда амалга ошириш учун 2 та учувчисиз учиш қурилмаси ишга туширилди ҳамда улардан фойдаланиш бўйича мутахассислар малакаси оширилди. Шунинг ўзи тоғ-кон жинсларини таший ҳажмини 10 фоизгача ошириш имконини беради.

Маъдан бойитишда кўп миқдорда техник сув талаб қилинади. Шу боис, мис бойитиш фабрикасида маъдан-сув нисбатларини автомат тарзда бошқариш учун 15 та назорат ва ўлчов жавони ҳамда 200 дан зиёд назорат-ўлчов асбоби ўрнатилди. Ушбу лойиҳамиз ҳисобига йилига 1,8 миллион куб метр сув тежалди.

Қадамлар — келажакимиз

Президентимиз раислигида жорий йил 20 июнь куни муҳандислик соҳаларида қадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада тақомиллаштириш масалалари юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида соҳамиз учун долзарб масалалар қўтарилган эди. Шу боис, халқаро стандартлар ҳамда илгор хорижий тажрибага асосланган ҳолда муҳандис ва ишчи-ҳодимларнинг малакасини ошириш тизимини қайта қўриб чиқдик. Чунки оғир саноатнинг ривожланиши бевосита ҳам, билвосита ҳам қадрлар салоҳиятига боғлиқ. Бугунги кунда Олмалиқ шахрида комбинат эҳтиёжини қондириш учун 2 та олий таълим муассасаси — Москваинг “МИСиС” ва Тошкент давлат техника университетининг Олмалиқ филиали фаолият кўрсатмоқда. Уларни йилига 1000 дан зиёд олий маълумотли муҳандис-қадр таъминлайди. Бу биз учун катта қадрлар захирасидир. Бундан ташқари, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида муҳандислик мактаби барпо этилган. Мактаб Германиянинг Фрайберг техника университети Кончилик академияси,

“Aurubis” ва “Günter Papenburg” компанияларининг таълим методологиялари асосида ишлайди. Хозир бу ерда геология, кончилик иши, кон саноати транспортлари, маркшейдерлик иши, фойдала қазилмаларини бойитиш, металлургия, механика, энергетика, ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш йўналишлари бўйича 150 нафар олий маълумотли ёш мутахассис тайёрланмоқда. Комбинат ўқув марказида 131 та йўналиш бўйича йилига 10 мингдан ортиқ ишчи ва муҳандис ҳодим малака оширади. Ўқув маркази ва таркибий бўлинмаларида 960 тингловчи мўлжалланган 28 та ўқув ҳамда 5 та компьютер хонаси мавжуд. Мутахассисларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим ва малакасини ошириш учун 255 та электрон видеодарсликка асосланган LMS электрон платформаси яратилган. 624 ишчи-ҳодимимиз республика олий таълим муассасаларида таҳсил олмақда. 4 нафари эса хорижий таълим муассасалари докторантурасида ўқийди. Умуман, биз 26 та олий ва 2 та профессионал таълим муассасаси билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ёшларимиз келгусида комбинат ва мамлакатимиз саноати ривожини, иқтисодиётимиз тараққиётини, мухтасар айтганда, эл-юрт фаровонлигини учун хизмат қилишига ишонамиз.

Мустақиллик иншоотлари

Меҳнат жамоамиз энг улуг ва энг азиз байрамни “Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!” шиори остида катта тантана ва кўтаринки руҳда қарши олиб, барча ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ёруғ юз билан адо этмоқда. Шунинг баробарида янги объектларни ишга тушириш ва ижтимоий соҳани қўлаб-қувватлаш ишлари ҳам изчил йўлга қўйилган. Шу кунларда Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги Ингичка бойитиш фабрикасининг II навбати ишга туширилди. 2022 йилда ушбу лойиҳанинг 1-босқичи ишга туширилиб, йилига 100 тонна вольфрам концентрати олиш йўлга қўйилган ва 82 та янги иш ўрни яратилган эди. Бунинг натижасида 2023 йилда 5,7 миллиард сўмлик 100 тонна вольфрам концентратини олишди. 1,8 миллион долларлик қўшимча экспортбоп 27 тонна вольфрам штабиклари тайёрланди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида вольфрам таркибли 27,9 миллиард сўмлик 36 тонна қаттиқ қотишмалли композит махсулотлари ишлаб чиқарилиб, Навоий кон-металлургия комбинати ва “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамиятига ҳамда ОКМК таркибий бўлинмаларига етказиб берилди. Фабриканинг иккинчи босқичи ишга тушиши натижасида йилига жами 285 тонна вольфрам концентратини ишлаб чиқарилади. Қўшимча махсулот қиймати 16,24 миллиард сўмини ташкил этади. Лойиҳа тўғрисида 120 киши ишли бўлди.

Шунингдек, инвестиция лойиҳаси доирасида Ёшлик I кони ва унинг кон-техника мажмуасини ҳамда Қалмоққир конини ташқи электр энергияси билан таъминлаш мақсадида рақамли трансформатор подстанцияси қурилди. Подстанциянинг барча металл конструкциялари ва бетон буюмлари маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган. Мазкур объектимиз ҳам мустақиллик байрамига тўғна сифатида ишга туширилди. Комбинатда ижтимоий соҳани қўлаб-қувватлаш изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти Окқўрғон тумани “Этпамгал” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 80 ўринли болалар богчаси қайта таъмирлаб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ушбу маҳалладаги 2 қаватли турар жой биноси тўлиқ таъмирланди, эндиликда кам таъминланган 14 та оила ўз хонадонига эга бўлади. Капитал таъмирлаш ишлари якунланаётган Олмалиқ шахридаги “Дарёча” болалар богчаси ҳам янгича қиёфада болажонларга тўхфа этилади. Мустақиллигимизнинг 33 йиллигини ҳар соҳада улкан зафарлар билан кутиб олаётган жонажон Ўзбекистонимиз раванқи йўлида меҳнат қилиш барчамиз учун шарафдир.

ПАТЕНТЛАНГАН МАХСУЛОТ Нега ҳаммаси ҳам давомли ишлаб чиқилавермайди?



Шавкат ҲАСАНОВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

шартнома асосида бажара олади. Бу унинг мулки ҳисобланади. Бошқа кишида патентлаштирилган бугдой навлари уруғини сотиш ёки кўпайтириш ҳуқуқи йўқ. Бунинг учун ихтисослашган ҳудудларда уруғлик қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича танлов эълон қилинади.

Танловда, асосан, хўжаликнинг тупроқ унумдорлиги, сув таъминоти, сўнгги уч йил ичида экин майдони касалликларга чалингани, зараркунданлар билан зарарлангани, бегона ўтлар тарқалгани, талабгорнинг маълумоти ва мутахассислиги, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иш стажини, мавжуд қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда сўнгги уч йилда етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўртача кўрсаткичи инобатга олинади.

Танловда голиб чиққан уруғчилик хўжалигига уруғлик учун экиладиган экинларни юқори унумдор, механизмлар ёрдамида ишлов беришга қўлай, сув билан яхши таъминланган, шўрланмаган ва текис далаalarda жойлаштирилиш, алмашлаб экиш ва агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш режа-жадвалини тузиб амалга ошириш, хўжаликда уруғчилик бўйича агроном ёки агроном мутахассиси бўлишини таъминлаш талаблари қўйилади. Фойдаланишга рухсат этилган кимёвий препаратлар билан қайта ишланган уруғлик материалларини экиш, уруғлик учун экилган майдонларни бегона нав ва ўсимликлардан тозалаш, касаллик келтирувчи бегона экинларни уруғлик майдонлар атрофида экмаслик ҳамда бошқа навлар билан қатишишга йўл қўймаслик зарур. Уруғлик пахта экилган майдонларда уруғлик пахта ҳосили тўлиқ йиғиштириб олингандан сўнг гўза дефолиацияси ўтказилади. Уруғлик пахта майдонларида гўзанинг ҳар тупида ўрта толали навларда 3-8-ҳосил шохларини 1-2-ўринлардан, ингичка толали навларда 3-13-ҳосил шохлар



рини тўлиқ пишиб очилган қўсақларидан қўл билан териш, машиналар ёрдамида қўсақлар 60-65 фоиз очилганда териш керак. Бундан ташқари, уруғлик учун экилган бошқоқ дон экинлари майдонлари уруғлик дон ўрни учун ажратилган комбайнларда ўрилиши, уруғлик донини махсус ажратилган автомашина билан ташийи, йиғиштириб олинган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини авлодлари бўйича ишлаб чиқилган давлат стандартларига мувофиқ уруғлик қабул қилувчи корхоналарга топшириш каби талаблар ҳам мавжуд. Албатта, бунинг учун муносиб ҳақ тўланади. Президентимизнинг 2020 йил 6 мартдаги “Ғалаа етиштириш, хариб қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”даги қарорига мувофиқ, оригинал бошқоқ дон уруғи учун 200 фоиз, элита учун 100 фоиз ва IV-авлод (P-1) учун 65 фоиз миқдориди устама ҳисобланади. Бироқ ҳамма ишланма ҳам ишлаб чиқилгандан кейин давомли бўлиб кетмайди. Нима учун? Сабаби, ишланма бугуннинг талабига жавоб бермаслиги ёки унга эҳтиёж йўқлиги, ишлаб чиқарувчилар учун қимматлик қилиши мумкин. Масалан, механизаторлик соҳасида қўпгина техника воситалари патентлаштирилган. Уларни оммавий серияли ишлаб чиқариш учун олимнинг маблағи етмайди.

Бунинг учун олим трактор заводи билан ишлаши керак. Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низоимнинг тегишли бандига мувофиқ, фан ва технологияларини ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва ижтимоий соҳалар тараққиётига улкан ҳисса қўшган камида учта ихтиро ёки селекция ютуғи (патент) муаллифига фан доктори (DSc) илмий даражаси ҳамда учтагача ихтиро ёки селекция ютуғи муаллифига фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси диссертация химоясиз истисно тарикасида берилиши амалиёти йўлга қўйилган. Бу эса илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган ва ихтирочи изланувчиларнинг илмий даражалар олиши учун бир қўлайликдир. Бугунги кунда институтимиз олимларида ўндан зиёд ихтиро ёки селекция ютуғи учун патент мавжуд. Янги экин турлари ҳамда қишлоқ хўжалигида ресурстежамкор технологиялар учун ихтирога патент олиш учун аризалар топширилган. Патент муаллифлари ўз ихтироларини оммалаштириш ва мунтазам ривожлантириш устида амалий ишлар қилганди. Институт томонидан олимларнинг патент олингандан кейинги фаолиятига амалий ёрдам берилмоқда. Мақсадимиз — қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўиши.

ЭНДИ ДОРИХОНАЛАРДА “МАҚОМ КАПСУЛАСИ” ҲАМ БЎЛАДИ



Мамлакатимизда муסיқа
терапияси сари яна бир қадам қўйилди

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Самарқанддаги “Шарқ тароналари” XIII халқаро муסיқа фестивали доирасида ташкил этилган илмий-амалий анжуманда Маданият вазирлиги томонидан конференция иштирокчиларига қўтилмаган совга — “Мақом капсуласи” топширилди. Бу, аслида, оддий совга эмас, халқимиз маданияти, санъати ва айни пайтда соғлиқни сақлаш тизимидаги энг катта ютуқлардан биридир.

Хўш, “Мақом капсуласи” нима? У кимлар томонидан яратилди? Мақомга нисбатан ҳам капсула сўзини ишлатиш тўғриси каби саволларга жавоб топиш учун масъулларга юзландик. “Мақом капсуласи”нинг аҳамияти, нега у соғлиқни сақлаш билан боғланганлигига ойдинлик киритдик.

— Профессор-ўқитувчилар билан бирга “Мақом капсуласи”ни ишлаб чиқдик, — дейди Юнус Ражабий номидagi ўзбек миллий муסיқа санъати институти ректори вазифасини бажарувчи Элдор Шермонов. — Бу жуда мураккаб жараён, албатта. Шунинг учун узок вақт талаб қилди. Бирок илмий конференцияга янгиллик билан келишга эришдик. Худди дори қўрилишида қадоқланган хотира қўрилмаси (флешка)га 22 та миллий мақомларимизни жамладик. Албатта, ҳар бир мақом чуқур ўрганилиб, унга таъриф берилди. Бу қўшиқларни эшитиш вақти бор. Қайсидир бирини эрта тонгда, айримларини тушдан сўнг эшитиш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир қўшиқнинг инсон онгига таъсирини ҳам аниқладик. Ижро услубига қараб, баъзилари фақат IQ даражасини ўстиради. Тафаккурни ривожлантирадиган мақомлар бор. Баъзилари юрак-қон томирларини меъёрлаштиради. Фақат бунинг учун қайси мақомни қандай пайтда тинглашнинг билиш керак. “Мақом капсуласи” шунга хизмат қилади. Кимдир нотўғри тушуниши мумкин. Бирок биз “Мақом капсуласи”ни ҳатто дорихоналарда сотишни тавсия этапмиз. Невропатолог шифокорлар ҳам бунга хайрхоҳлик билдирди. Улар бош билан боғлиқ хасталиги бор инсонлар капсуладан фойдаланиши мақсадга мувофиқ эканини айтди.

Лондондаги махсус муסיқа терапия билан шугулланадиган илмий-тадқиқот институтига 50 дан ортиқ мақом юборганимиз. Хозир уларнинг экспертиза хулосасини кутяпмиз. Агар ижобий хулоса оласак, “Мақом капсула”миздан бемалол кенг фойдаланиш мумкин бўлади. Қувонарлиси, ўзбек мақомлари, миллий куй ва қўшиқлари ҳам жаҳон дурдона асарлари рўйхатига киритилади. Африка қитъасида, Шарқий Осиёда бўладими, ёшлар юракка, онга таъсир этувчи куйларни эшитганда. Капсуладаги 22 та мақомни бир ой давомида тинглаган кишининг IQ даражаси,



албатта, ривожланади, хотираси мустаҳкам бўлади. Бизни қизиқтирган яна бир жиҳат мумтоз асарларимиз асосида яратилган “Мақом капсуласи”нинг қўллаш бўйича йўриқномаси бор экани бўлди. Масалан, “Хушпарда сувора” қўшиғи тингловчининг асаб тизимини яхшилайдиган, руҳий хотиржамлик бахш этади. Стрессни енгиллаштириб, ҳиссий мувозанатни сақлашга ёрдам беради. Уни тонгда, уйқудан тургандан кейин тинглаш тавсия қилинади. Ёки “Қўқон ушшоғи” инсоннинг юрак уришига ижобий таъсир кўрсатади. Юрак-қон томир тизимини меъёрлаштиради. Дам олишга ёрдам беради.



“Тўёна” эса тингловчининг диққатини жамлайди, хотирани яхшилайдиган ва стрессни пайсаятиради, IQ даражасини оширишга туртки бўлади. Уни тушда, ҳордик чикаргандан кейин тинглаш керак. Ҳа, мақомларимиз шифо, у эмлаш вазифасини ҳам бажаради. Фақат уни тўғри вақтда, илмий кўрсатма асосида эшитишни ўргансак бўлди.

Халқаро конференцияда айнан муסיқа терапияси ҳақида матруза қилган Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева 44 йиллик

ижодий фаолияти давомида муסיқа инсонлар соғлиғига, характериға таъсир қилишига гувоҳ бўлгани ҳақида сўзлаб, шундай деди:

— Бу ҳақда қадимдан олимлар, донишмандлар изланишлар олиб борган. Арасту, Афлотун, Пифагорнинг рисоаларида қадимги Ҳиндистон, Хитой қўлёзмаларида, Италия ва Германиядан аниқланган эски топилмаларда бу борада бир қанча маълумотлар келтирилган. Масалан, Афлотун муסיқа нафақат инсоннинг руҳияти, балки хатти-ҳаракатига ҳам таъсир қилишини айтиб ўтган. Шарқ мутафаккирлари ҳам муסיқага катта эътибор қаратган. Шу маънода, инсон руҳиятига муסיқанинг таъсири амалиётда исботланган ва бундан фойдаланилган. Демак, бугунги кунда ҳам инсонни муסיқа билан даволаш мумкин.

Конференцияда иштирок этганлар мақомларимизнинг бундай янгича услубда тақдим этилаётгани ёшлар маънавияти, ўзликини сақлашда ҳам қўл келишини таъкидлади. Жумладан, Ўзбекистон халқ хофизы Ҳасан Ражабийнинг айтишича, мақомларни, умуман, куйларни эшитишни билиш керак. Чунки салбий таъсир қиладиган муסיқалар ҳам бор. Одам умрини узайтирадиган мақомлар томир-мигренизга кириб боради. Кўзингизга ёш келади. Қўшиқдан ҳузурланганингизда мия фаолияти яхшиланади, асаб тизими меъёрлашади.

“Мақом капсуласи”ни қабул қилиб олган хорижлик меҳмонлар унинг қандай кучга эга эканини қизиқиш билан ўрганоқда. Жумладан, Африканинг Алоқа, маданият, санъат ва туризм вазир, адабиёт фанлари номзоди Парфаит Илбоду биз билан суҳбатда илмий конференцияга бежиз келмаганини айтди.

— Ушбу конференцияда қўллаб мамлакатларнинг муסיқаларини тинглашга муваффақ бўлдим, — дейди Парфаит Илбоду. — Ҳар бир давлатнинг муסיқаси инсонни ўзига жалб этади. Лекин ўзбек муסיқаси менда жуда катта таассурот қолдирди. Айниқса, “Мақом капсула”си жуда хайратлангирди. Насиб қилса, “Шарқ тароналари”нинг келгуси тадбирларида ҳам қатнашишни ният қилдим.

Экспертлар фикрича, муסיқа терапияси дунёнинг кўп давлатларида бор. Негаки муסיқа бошқа соҳалар ривожига ҳам туртки беради. Яъни инсоннинг асаб тизимига ижобий таъсир қилиб, ақлий салохиятини оширади. Инсон руҳан соғлом, кўтаринки бўлса, ҳар қандай ишда унум бўлади. Шу маънода, “Мақом капсуласи” стрессларни даволашда қўл келади.

— “Мақом капсуласи” айнан илмий-амалий конференциямиз мавзусига ҳам монанд янгиллик бўлди, — дейди Озодбек Назарбеков. — Уни дори шаклида тақдим этиб, инсониятни қайсидир маънода қадим куйларимиз орқали ҳам маданиятга қайтариш мумкинлигини исботламоқчи бўлдик. Ёнг сар мақомларни шу капсулага жойладик. Глобаллашув замонида бунинг бунг эмлаш, десак ҳам бўлади. Айниқса, ҳозирги даврда бу жуда муҳим. Зеро, санъат — халқларни бирлаштирадиган катта куч.

Соҳа вакиллари фикрларидан келиб чиқиб, умид қиламизки, “Мақом капсуласи” қанча-қанча қалбларга шифо улашиб, соғлом руҳли, маънан тетик ёшларни тарбиялашга хизмат қилади.



Мустақиллигимизнинг 33 йиллигига ИНТЕРВЬЮ

АЖДОДЛАР ХОКИ-ЛА МУКАРРАМ ЗАМИН

Мунира ҲАМРОЕВА,
“Тадбиркор аёл” халқаро
ишбилармон аёллар
ассоциацияси Хатирчи
тумани бўлими раиси



Хорижда ўқиётган ёки меҳнат қилаётган юртдошларимиз ҳақида гап кетса, юрагим алланечук бўлади. Айниқса, улар аёл бўлса, безътибор қаролмайман. Чунки мусофирлик машаққатини яхши биламан. Ҳа, ватандан олисда яшаш осон эмас. Камига моддий қийинчиликлар олдида ожиз қолган аёл фарзандини ташлаб, хорижда ишлашидан ортиқ азоб бўлмаса керак. 2012 йилда турмуш ўртоғим билан бирга хорижга ишлашга кетдик. Оғир, қора ишларни қилишга мажбур бўлдик. Яхшими ё ёмон, у кунлар ҳам ўтди. Уша мусофирликда юриб, болаларимни, яқинларимни соғиндим. Билдимки, инсон ватанидан олисда яшаш осон эмас экан. Ўшанда юрт соғинчи, ватан қадри ҳақида кўп ўйлаганман. Инсон нима учун юртини яхши кўради? Киндик қони тўкилгани, аждодлари хоки билан шу тупроқни азиз қилгани учун! Одამнинг илдини ватанда, у қанчалик жоҳил ёки ватангадо бўлмасин, барибир юрт тупроғи, томирлари уни ўзига тортиб туради. Фақат бунинг инсон доим ҳам пайқай олмайди.

Юртимиздаги ўзгаришларни эшитгач, тезда уйга қайтдик. Кейинги йиллардаги катта ислохот, имкониятлар сабаб ватанга келиб иш бошладим. Гўзаллик салоини очдим. Бир кўни ҳокимликдан келган аёл ишларимни кўриб, имтиёзли кредитлар борлиғи ҳақида айтди. Маҳалладан йиғилишга чакришди, ишимни кенгайтиришнинг йўли-йўринини ўргатишди. Шундан сўнг чинакамига тадбиркорлиқни бошладим. Ўшанда менга бўлган кичик эътибор ва моддий кўмак ҳаммасини — ҳаётимни ўзгартириб юборди.

Айни пайтда “Хатирчи аёл ипак гиламлари” МЧЖ ҳамда “Дурдона текстиль” ишлаб чиқариш корхоналарига раҳбарлик қиламан.

Бир аёл учун оила тинчлиги, хотиржамлигидан ортиқ бахт бўлмаса керак. Бу бахтни сеvimли иши, уни қўллаб-қувватлашлари, рағбат беришлари янада тўлдириб туради. Қачонлардир хорижга кетиб, қора меҳнат қилишга мажбур бўлган оддий қишлоқ аёли бугун ўз юртида қадр топиши айтишгагина осон. Аслида, бу жуда катта ўзгариш, ислохотлар натижаси.

ВАТАН БИЗГА ОМОНАТИР



Саидбек БОЛТАБОВЕВ,
Туркиядаги Карабук
давлат университети
доценти, филология фанлари
доктори

Ҳар бир жойнинг ўзига хос маданий ва тарихий қадриятлари бор. Улар урф-одатлар, тил, эътиқод ва турмуш тарзи билан чамбарчас боғланган. Инсонлар ана шу қадриятлар билан улғаяди. Уларни келажак авлодларга етказиш. Шу тариқа инсон характери, маданият ва қадриятлари у туғилиб ўсган жойда шаклланади. Яъни она юрт инсон ўзлигини танийдиган муқаддас замин.

“Ватан — аждодлар мероси” деган фикрга тез-тез дуч келамиз. Албатта, шу тупроқ

учун уларнинг қони, пешана тери тўкилган. Натижада оддий кўринган тупроқ Ватан деган муқаддас мавқега кўтарилган. Аждодларнинг эришган ҳар қандай моддий ёки маънавий борлиғи авлодларга мерос бўлиб ўтиши табиий.

Эътиқод ва қадриятларимизда омонат деган тушуна бор. Бизга ишониб топширилган, омонат берилган ҳар қандай нарсани яхши ҳимоя қиламиз, уни ўз манфаатимиз учун ишлатиш ва йўқ қилиш урф-одатларимиз, қадриятларимизга зид. Зеро, омонатга хиёнатнинг жавоби жуда оғир.

Шу ўринда ватанимиз аждодлардан бизга берилган омонат десак, тўғри бўлади. Меросдан авлодлар ўз манфаати йўлида фойдаланиши мумкин бўлса, омонатни эҳтиёт қилади, кўз қорачиғидек асраб-авайлайди. Ватан бизга аждодлардан омонат сифатида келди. Ўз навбатида, омонатга хиёнат қилмай, кейинги авлодларга етказиб бериш — бизнинг бурчимиз.

Ҳар қандай қадриятни ўз манфаатимиз йўлида ишлатиш эмас, Ватан ва унга боғлиқ тил, адабиёт, маънавият, тарихий асару обидалар каби уни янгиллаб, кейинги авлодларга қўлай қилиб етказиш асл бурчимиздир. Буларнинг бариға бизга

Биринчи гилам тўқилса, бошқасида кийим-кечак тикилади. Корхонамиз кўп тармоқли бўлиб, нон ва нон маҳсулотлари ҳам тайёрланади. Қўлда тўқилган гиламларимиз юртимиз бозорларидан ташқари чет давлатларда ҳам хариддорлар. Фаолиятим ортидан кўплаб шогирдлар чиқардим, хотин-қизларни иш билан таъминлаб келяпман.

Бир аёл учун оила тинчлиги, хотиржамлигидан ортиқ бахт бўлмаса керак. Бу бахтни сеvimли иши, уни қўллаб-қувватлашлари, рағбат беришлари янада тўлдириб туради. Қачонлардир хорижга кетиб, қора меҳнат қилишга мажбур бўлган оддий қишлоқ аёли бугун ўз юртида қадр топиши айтишгагина осон. Аслида, бу жуда катта ўзгариш, ислохотлар натижаси.

2020 йилда давлатимиз раҳбари намунали тадбиркор сифатида фаолиятимни алоҳида эътироф этгани ҳам менга янада куч берди. Шундан буён нафақат фаолиятимни кенгайтириш, балки ҳудудимиздаги хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигига кўмаклашишга интилиб келяпман.

Ҳар кўни ишдан шахсий автомобилимда қайтаётиб тинч, раван кўчаларимизда Ватанимиз байроғига кўзим тушади. Унга қарайман-у, бугунги ёруғ ва осуда кунлар учун, бир аёл, она сифатида ўз юртимда, оилам бағрида хотиржам ҳаёт кечираётганим учун шукрона айтаман. Замонавий, тадбиркор аёл сифатида ҳеч бир давлат хонамларидан ҳам эмаслигимдан гурурланаман. Бу қачонлардир хорижда қора меҳнат қилиб, она юртга қайтиш орузсидаги бир оддий аёлнинг ҳаёлига ҳам келмаган кунлар, аслида.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сахифаланган.
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси 41126 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манлиги: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар қўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (71) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаххас: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 01:35 Топширилди — 01:40